

2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУХИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган



Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 8 (1334), 2025 йил 12 январь, якшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИ: ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЎРГАНИБ, БОЗОРБОП МАҲСУЛОТЛАР ЯРАТИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 январь куни электротехника соҳасидаги натижалар ва галдаги вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Бу соҳанинг санъатдаги улуши 3,5 фоиз, товарлар экспортда 10 фоизни ташкил этади. Утган йили 31 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 1 миллиард 300 миллион доллар экспорт қилинган. 516 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 85 та янги корхона ишга тушган. Бу соҳада 27 мингдан зиёд юртдошимиз ишламоқда.

Утган йили 5 сентябрда бўлган видеоселектор йиғилишида соҳада натижадорликни ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган эди. Шунга асосланиб, жорий йилда қатор вазифалар белгилаб олинган.

Тақдимотда “Узэлектросаноат” уюшмаси раиси бу йил ҳудудларда 4 миллиард долларлик 290 та янги лойиҳани бошлаб, 600 миллион доллар инвестиция ўзлаштириш, мисни қайта ишлаш даражасини 75 фоизга етказиш режаларини айтди.

Бунда маҳаллийлаштириш дастурларидан фойдаланиш муҳим. Масалан, бу йил мамлакатимизда 75 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Шунинг 28 миллиард долларини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобидан қоплаш мумкин.

Электротехника кластерини кенгайтириш учун Оҳангаронда қўшимча 200 гектар, Фарғонада 10 гектар, Урганчда 4 гектар ер ажратилди. 181 миллиард сўм эвазига инфратузилма қурилди.

Энди тадбиркорларга технопарклар ҳудудида тайёр бино қуриб, электротехника ва

турдош соҳа корхоналарига сотишга рухсат бериш мўлжалланмоқда. Юқори технологияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларни уч йил муддатга фойда ва мол-мулк солиғидан озод қилиш тақриф этилмоқда.

Бу, жумладан, Оҳангарон мис кластерида 68 миллион долларлик, Қашқадарё, Фарғона ва Урганчда 30 миллион долларлик янги лойиҳаларга имконият очади.

Маҳсулотлар сотилиши учун вазирлик ва санъат тармоқлари кесимида 15 триллион сўмлик кафолатли бозор ҳам ташкил қилинмоқда. Ижтимоий объектлар учун қайта тикланувчи энергия қурилмаларини маҳаллий корхоналардан харид қилиш тартиби ишлаб чиқилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу соҳа “яшил” иқтисодиёт учун, барқарор ривожланиш учун жуда муҳим эканини таъкидлади. Шу боис, жойлардаги барча имкониятларни ишга солиш, тадбиркорларга инфратузилма, молия ва хомашё жиҳатидан қўшимча шароитлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Мутасаддилар буларнинг эвазига экспортни йилга 3 миллиард долларга, ишлаб чиқариш ҳажмини 50 триллион сўмга етказиш имконияти борлигини қайд этди.

Инновацияларни ўрганиб, бозорбоп маҳсулотлар яратиш, малакали муҳандис, технолог ва ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

ЎЗА

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев транспорт ва логистика тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Сўнгги етти йилда маҳаллий ташувчиларни қўллаб-қувватлаш натижасида юк автомобиллари сони 7 қарра кўпайиб, 26 мингга етган. Уларнинг халқаро ташувчидаги улуши эса 35 фоиздан 60 фоизга ошган.

Лекин дунёдаги геосиёсий вазият бу соҳада қийинчилик туғдирмоқда. Ғарб йўналишида ташвиш муддати 2 қарра, харажати эса 1,5 баробарча ошиб кетяпти. Айрим Европа мамлакатлари чегараларидаги ўтказиш пунктлари ёпилган, бошқаларида узоқ навбатлар юзага келган.

Шу боис, транспорт-логистика тизимини изчил ривожлантириш ва ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, халқаро ва минтақавий бозорларга олиб чиқадиган муқойил йўналишлар бўйлаб жойлашган мамлакатлар билан транзит юк ташувчиларни соддалаштириш ва эркинлаштириш, чегараларда ундирилмаган йиғимларни ўзаро тенглик асосида қамайтириш ёки бекор қилиш чораларини кўриш керак.

Юртимизда юк йўлатувчи ва ташувчини ўзаро боғлайдиган экспедиторлик хизматларининг асосий қисми хорижий компанияларга тўғри келади. Бу соҳада маҳаллий экспедиторларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг халқаро юк ташувчидаги хизматларига қўшилган қиймат солиғи олинмайдиган бўлди. Натижада маҳаллий корхоналар улушини 45-50 фоизга чиқариш имконияти кўрсатиб ўтилди.

Шу каби чоралар орқали халқаро юк ташвиш ҳажмини 2 қарра ошириш, транспорт хизматлари

экспортини камида 3 миллиард долларга етказиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ташувлар ҳажмини кўпайтириш ҳам муҳим. Бу борада яратилган қўлайликлар натижасида мамлакатимиз сўнгги йилларда Жаҳон банкнинг логистика бўйича индексида юқориламоқда. Бу транзит салоҳияти билан бирга инвестиция оқими ошишига, умуман, савдо-иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилади.

Мутасаддиларга электрон навбат тизимини кенг жорий этиб, чегарадан ўтиш вақтини 20 дақиқачага қисқартириш, транспорт воситаларини онлайн кузатиш тизимини йўлга қўйиш орқали қўшимча юк оқимларини жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Яна бир масала — йўналишсиз такси хизматларига тегишли. Икки йил олдин жисмоний шахсларга ўзини ўзи банд қилган ҳолда таксичлик қилишига вақтинчалик рухсат берилган эди. Бунинг натижасида таксичилар сони 6 баробар ошди, 457 мингга етди. Шу боис, энди бу тартиб доимий бўлиши айтилди.

Таксиларга мижоз топшида қўлай ахборот хизматлари бозори шаклланди. Ҳозирда 151 та агрегатор компаниялар иш юритяпти ва бу яна ўсиб борапти. Шу боис, агрегаторлар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг давлат ҳайдовчи ва йўловчилар олдидаги мажбуриятини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада

ЭКОФАОЛ ФУҚАРО

УШБУ МАҚОМ ҚАТОР

ИМТИЁЗЛАР ЭШИГИНИ ОЧАДИ

Кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони лойиҳасида стратегиянинг 5 та устувор йўналиши бўйича 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилмоқда.



Маълумки, давлат дастурлари, муҳим стратегик ҳужжатларни ишлаб чиқишда фуқаролар, халқаро экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари тақлифларини инобатга олиш тизими ҳужжатларни такомиллаштириш, халқчиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давлат дастури лойиҳаси аҳоли танишиб чиқиши учун қўлай ва ихчам шаклда тайёрланган. Унда атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт масалаларига асосий эътибор қаратилиши билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий, давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, хавфсизлик ва ташқи сиёсат йўналишларида 2025 йилга мўлжалланган кенг қўламли ислохотлар ҳам назарда тутилган.

Давоми 2-бетда

ИЗЧИЛ ТАШАББУСЛАР ЭКОЛОГИК ОҚИБАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

Ўзбекистон барқарорликнинг глобал мақсадларига мослашиш борасида муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Конституциямизда экологик ҳуқуқларга, фуқароларнинг нафақат қўлай атроф-муҳит, балки унинг ҳолати тўғрисида ишончли маълумот олиш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу мақсадда доимий равишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси,

2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси, Ўзбекистон Республикасида ўрмон ҳўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари соҳани ривожлантиришда асосий дастуриямал бўлиб, глобал иқлим ўзгаришларининг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Давоми 5-бетда

Миллат фидойилари



Қиш чилласининг ўнинчи куни, куёш тақвими бўйича 2025 йилнинг 3 январида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини хаяжон билан ўқидим.



Маъноли ҳақиқатларни ривожлантириш, жаҳондаги илгор тараққиёт ютуқларини ўзлаштириш орқали халқимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш ҳамда хурриятга эришиш йўлида ўз ҳаётини бахш этган фидойи зотдир”.

Давоми 6-бетда

Инсон қадри учун

Инсон ҳамиша умид ҳамда орзу-ҳаваслар билан яшайди. Эркин, тинч ва фаровон ҳаёт кечирини истайди. У қачон кадр топса, ҳаётини манфаатлари рўёбга чиқиб, чинакам яшаш завқини туйсагина, жамият ва давлат уйғунлиқда барқарор ривожланади.

ЎЗГАРИШЛАР ФАЛСАФАСИ

ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚИМИЗНИНГ БУГУНГИ ҲАЁТИ ВА ЭРТАНГИ ИСТИҚБОЛИНИ ЎЙЛАБ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Эл кўнглидагини топиш унинг қалбини англаш ва эгаллашдан бошланади. Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг илк кўнларидеёқ халқимизнинг кадр-қимматини жойига қўйиш, унинг эгилган қаддини кўтаришни мақсад қилди ва ислохотларни халқ билан давлат ўртасида ишонч кўпригини ўрнатилдан бошлади.

“Инсон қадри учун” тамойили асосида ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирини, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил қилиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан амалий қадамлар қўйилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида дастлаб Манас қишлоғида бошланган янгиланишлар шуккухи кўп ўтмай, юртимиз бўйлаб кенг қўлоқ ёйди. Мамлакатда ўзгаришлар элқини кириб бормаган бирорта қишлоқ ёки маҳалла қолмади.

Утган даврда ҳаётимизда нималар рўй берди, деган саволга бугун минглаб қишлоқ, маҳаллалар қиёфасидаги янгиланишлар, ўз ҳаётини рози бўлиб яшаётган инсонлар турмушидаги ижобий ўзгаришлар мисолида етарлича жавоб айтиш мумкин. Бу охириги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, халқ манфаатини таъминлаш бўйича юритилган кучли сиёсат самарасидир.

Кейинги саккиз йилда қабул қилинган учта комплекс тараққиёт стратегияси, тегишли йилларга мўлжалланган давлат дастурлари асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, унинг ривожланиши ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилди.



Бир пайтлар мамлакатда камбағаллик ёпиқ мавзу бўлиб, бу хусусида лом-мум дейишга ҳаддимиз сизғмасди. Бугун эса жамиятимизда камбағаллик борлиги нафақат тан олинди, балки уни қисқартириш бўйича аниқ тизимли ишлар қилиняпти.

Камбағалликни қисқартириш борасида қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши, соҳага оид давлат сиёсатини юритиш учун зарур барча ҳуқуқий-ташқилый асослар яратилгани натижасида юртимизда камбағаллик даражасини 2021 йилдаги 17 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга қамайтиришга эришилди. Икки миллионга яқин одам

камбағалликдан чиқиб, доимий даромад манбаига, янги иш ўрнига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, ҳар бир фуқаро қалбига ёруғлик, эртанги кунга собит ишонч олиб кирди.

Давлатнинг халққа бундай қайишиши, инсон манфаати ҳамма нарсдан устун қў-

йилгани туфайли одамларнинг руҳиятида катта ўзгаришлар юз берди. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ортди, сиёсий хабардорлик даражаси кўтарилди.

Давоми 3-бетда

Давлат дастури лойиҳаси муҳокамада



ЭКОФАОЛ ФУҚАРО

Ушбу мақом қатор имтиёзлар эшигини очади

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бегда

— Давлат дастури лойиҳаси 2025 йил 22 январга қадар кенг жамоатчилик ва экспертлик муҳокамаларида ўтказилди, — дейди “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков. — Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ҳужжатнинг ҳар бир бандига эътироз, таклиф ёки муносабатни ҳеч қандай тўсиқларсиз билдириш имкони яратилди. Яъни лойиҳанинг ҳар бир банди бўйича аҳоли мурожаат қилиши мумкин. Ўз келажигига бефарқ бўлмаган юрдошларимиз билдираётган ҳар бир таклифни қадрлаймиз. Зарур ҳолларда ҳар бир фикрни қўшимча равишда асослантириб, дастурда акс эттирилиши тарафдоримиз. Агар ўтган йилги натижаларга қарайдиган бўлсак, 100 га яқин концептуал таклифлар давлат дастурида ўз аксини топди. Минданг ортиқ таклифлар эса тузатиш, таҳрирлаш асосида дастурни қайта ишлашда муҳим аҳамият касб этди.



мақомини олганда, ушбу оилга “яшил оила” мақоми ҳамда уларга ҳар йили лотерея орқали 14 та электромобил бериш мўлжалланмоқда.

Бу эса “яшил” иқтисодиёт, атроф-муҳит муҳофазаси, фуқаролар саломатлигини оиладан бошлаб жорий этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг учун маълум маънода давлат фуқароларни рағбатлантиришни мақсад қилаётгани таъсирчан сазовор.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишларда тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, концепция ва стратегиялар ишлаб чиқилди.

Хусусан, “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси, мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюцияси қабул қилинди.

Энг муҳими, Ўзбекистон халқаро ҳамжамият олдига олган мажбуриятларини қатъият билан амалга ошириб келмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳам БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ ҳамоҳанг тарзда ишлаб чиқилгани бунинг амалдаги исботидир.

Фармон лойиҳасида келтирилган БМТ Иқлим ўзгариш тўғрисида ҳадли конвенциясининг Киото протоколи ва Париж битими доирасида мамлакатнинг глобал ҳамжамият олдига олган мажбуриятларини бажаришда тармоқ ва соҳаларнинг уйғун “яшил трансформация”сини амалга ошириш масаласи ҳам Ўзбекистон ислохотларни жаҳон стандартларига мослаштираётганини билдиради.

Бир сўз билан айтганда, давлат дастури лойиҳасига берилаётган таклиф ва муносабатлар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш, халқимизнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттиришга хизмат қилиши, эртанги кунимиз, фарзандларимиз камол учун жуда муҳим.

Тадбиркорлик

КИЧИК РЕЖАЛАРДАН КАТТА МАҚСАДЛАРГА ЎТАДИГАН ДАВР КЕЛДИ

Одинахон ОТАХОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳоли ўртасида ва давлат идораларида тадбиркорларга муносабат мазмун-моҳияти бутунлай ўзгарди. Ишбилармонлик муҳити тубдан яхшиланиб, тадбиркорлик субъектлари, бизнес вакиллари юзага келаятган айрим муаммоларни ортиқча сарсонгарчиликларсиз ва қоғозбозликсиз тезкор ҳал этмоқда.

Соҳа вакиллари билан ишлайдиган, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган Бизнес омбудсман, Бош вазир қабулхонаси сингари янги институтлар фаолияти йўлга қўйилгани боис, янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирди. Натижада минглаб ишсиз ёшлар, хотин-қизлар бизнесни йўлга қўйди, яхши даромад манбаига эга бўлди.

Юртимизда ҳар йили очилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келиши, ҳозир ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшлар меҳнат қилаётгани соҳанинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганини кўрсатади. Қисқаси, бутун тадбиркорлар замони. Улар самарали фаолият юритиши учун юртимизда барча қулайлик, имкониятлар мавжуд.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бугун 100 дан ортиқ ишчиси бор корхоналар 3 мингга яқинлашиб, улардаги иш ўрни бир йилда 440 мингга кўпайди. Ушбу корхоналардаги ишчилар сони 1,7 миллионга етди. Буларнинг барчаси иқтисодиётимиз ривожига, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётган.

Эътиборли жиҳати, мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий соҳани ислоҳ этиш, эркин тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар мантаний изчилликда амалга ошириб келинмоқда. 2024 йилда Тадбиркорлар кунини муносабати билан илгор бизнес вакилларида 37 нафари орден ва медаллар билан, 104 нафари “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги қонун тадбиркорлар учун яна бир рағбатлантирувчи омил бўлди.

Шу билан бирга, бюджет ва солиқ сўвбаси самарадорлигини ошириш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Солиқ тизими соддалаштирилиб, ишбилармонлик ва инвестиция фаолиятини оширишга ёрдам берувчи корхоналар ҳамда жисмоний шахслар учун солиқ юки камайтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини тинглаётгани, таклиф ва тавсияларини эшитаётгани одамларда тадбиркорликка катта ишонч уйғотди. Очик мулоқот натижасида тадбиркорларни қийнаб келган қатор масалаларга ечим топилиб, кўпайиб янги ташаббуслар эълон қилинди. Бу, ўз навбатида, кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурс-

ларни кўпайтириш, бизнесни инфратузилма билан таъминлаш, ички бозорда тенг рақобат муҳитига имкон яратди. Энди одамлар аввалгидек банкма-банк кредит олиш учун сарсонсаргардон бўлиб юрмайди. Уларда бизнесни бошлаш учун хоҳиш бўлса, бас.

Янги таҳрирдagi Конституциямизда ҳам давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши, тадбиркорлар қончиликлари мувофиқ ҳар қандай фаолиятни



ҳужжат мавжуд бўлиб, улар ниҳоятда кўп-лиги зарур бўлган қонунчилик ҳужжатини тез топиш ва амалда қўллашда қийинчиликларни келтириб чиқараётгани. Ушбу



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

амалга оширишга ҳамда ўз фаолияти йўналишларини мустақил танлашга ҳақли экани белгилаб қўйилди. Бугун Бош қонунимизда ўз аксини топган нормалар тўлиқ рўйбга чиқарилмоқда. Бинобарин, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда сифатли таълим, маалаки тиббиёт, фарон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади. Энг муҳими, бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромади кўпаяди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Тадбиркорлик кодекси эса ушбу ислохотларнинг мантаний давом сифатида ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш, тадбиркорларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Чунки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5000 га яқин норматив-ҳуқуқий

ҳужжат бу борадаги барча мураккабликка чек қўяди, тадбиркорлар томонидан ягона кодексга мурожаат қилиб, ўз саволларига жавоб олиш имконини беради.

Кодексда ҳозир 88 та фаолият тури билан шугулланиши мумкин бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар мумкин бўлган фаолият турларини белгиланган ҳолда қонунчиликда таққиланмаган ҳар қандай фаолият билан шугулланиш ҳуқуқи белгиланди. Тадбиркорликнинг давлат томонидан тартибга солишининг чегаралари ҳамда шакллари мустаҳкамланди.

Президентимизнинг 2024 йил 20 декабрь кунини мамлакатимиздаги фаол тадбиркорлар билан вицеселектор шаклида ўтказган мулоқотида соҳани кўллаб-қувватлаш бўйича йил якунлари ва 2025 йилга мўлжалланган режалар муҳокама қилиниб, соҳани янада ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Ёш тадбиркор

БИЗНЕС ТАЖРИБА ТўПЛАШ ВА ТАВАККАЛДАН БОШЛАНАДИ

Оддий сотувчи йигитнинг бир кун келиб, катта тадбиркор бўлиши бошқаларнинг хаёлига келмаса-да, лекин ўзи шу мақсад сари доим интилиб яшади. Баҳром мактабни тугатиб, махалласидан бирор тайинли иш тополмагач, пойтахтга йўл олганида, ота-онаси бир оз хавотирда эди. Кимгадир шогирд тушди, яна бировига ёрдамчи бўлди. Охири бир кишининг маслаҳати билан сотувчиликни бошлади.



Бошида савдодан, кўп пул топан деб ўйлаганди. Аммо бу озон эмасди. Шу сабаб дастлаб иш бир оз зерикари бўлди. Лекин сабрли бўлишга интилди. Олиб келган маҳсулотларидан аста-секин фойда кўра бошлагач, эпласа яхши даромад топиш мумкинлигини англади. У пайтлар Баҳром тендошларининг хаёлига келмаган ванна, раковина каби уй-рўзгор буюмларини сотишни бошлаганди. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, савдо ишларида анча тажрибаси ошиб қолди. Аммо уйдан олисда ишлашининг ўзи бўлмасди. Анча вақт-

Керакли шариотларни яратиш олишининг ўзи бўлмасди. Шу сабаб астойдил ишга киришиб, ортага қайтмасликка аҳд қилди.

— Илк ҳаракатни 2018 йилда бошлагандим, — дейди ёш тадбиркор Баҳром Тоштемуров. — У пайтда виллоятимизда, адашмасам, бу йўналишда бирор киши ишламасди. Таваккал қилиб, ҳаракатни бошлаб юбордим. Лекин кўпчилик бу маҳсулотнинг бозорини топиш мушкул эканини айтиб, йўлдан қайтаришга ҳаракат қилди. Айнаин сантехника маҳсулотлари савдосида тажрибам етарли бўлгани боис, бу борада ҳеч хавотирланганим йўқ. Икки-уч киши бўлса-да, маҳсулот тайёрлаб бошладим. Дастлабки вақтларда айримлар чекка бир ҳудудда шундай маҳсулот ишлаб чиқарилаётганига шубҳа билан қаради. Маҳсулотларни жиддий текшириб кўрган пайтлари ҳам бўлди. Буюртма беришга иккинчи, бошқа жойдан қидиришди. Барибир бошлаган ишимиздан ортга чекинмадик. Туман ҳокимлиги ҳам бу борада бизни қўллаб турди. Аста-секин ўз харидорларимизга эга бўлишни бошладим.

Ёш ишбилармон кейинчалик “Ideal roller plast” масулияти чекланган жамиятини таъсис этиб, яқин атрофдаги қурилиш корхоналаридан буюртмаларини қабул қилишни бошлаб юборди. Иш ҳажми ортиб боришига қараб ишчилар сафи ҳам кўпайди. Бошида улар уч киши бўлиб, кейинчалик ўн нафарга етди.

— Бугун юртимизда тадбиркорлик йўналишини учун кенг йўл очилган, — дейди корхона иш юритувчиси Маҳмадқобил Норқобилов. — Илгари турли текширувлар, қоғозбозлик чарчатиб юборарди. Фарзандларим шу ишни бошлаганида менда ҳам анчагина ҳадиқ бор эди. Бирор киши келиб безовта қилверса, ишлашга йўл бермас, деган ўйда эдим. Баҳром тўнгич фарзандим. Мендаги безовталикини ҳис қилиб, бугун замон бошқача эканини, тўғри ишлаган кишининг йўлига ҳеч ким гов бўлмаслигини

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши давлат ва тадбиркорлар ўртасида кўприк бўлиб, аниқ таклифларни билдириб келмоқда. 2024 йилнинг ўзида тадбиркорлар фаолияти учун фоят муҳим 5 та қонун, 101 та фармон ва қарор қабул қилинган мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 27 декабрдаги “Тадбиркорлар учун тенг шариотлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони юртимизда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Зеро, унга кўра, қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи ставкалари 2028 йил 1 январгача оширилмаслиги белгиланди.

Жорий йил 1 январдан 2028 йил 1 январгача тикув-трикотаж, пойабзал ва чарм-атторлик саноати йўналишларида ишлаб чиқариш фаолияти юритаётган ва белгиланган шартларга жавоб берадиган тадбиркорлар учун фойда солиғи ва ҳодимлари учун жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи ставкаси 1 фойз этиб белгиланди. Бу йил 1 апрелдан даромаддан қатъи назар, фармацевтика маҳсулотлари савдоси билан шугулланувчи еки табиий хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ҚҚС тўловчилар деб эътироф этилади.

Тадбиркорларга ташқи молия бозорларига чиқишга кўмаклашиш маркази ташкил қилинган айни муддао бўлди. Боиси, ушбу марказ тадбиркорларга халқаро молия институтлари, хорижий молия ташкилотлари ва бошқа кредит ташкилотларидан давлат қаролатисиз маблағлар жалб қилиш бўйича консалтинг хизмати йўлга қўйилди. Марказда ҳар йили 100 та тадбиркорлик субъектига хизмат кўрсатилади.

2025 йилда амалга маблағларни тўлдирини ажратиладиган кредитлар учун “Савдо ривожлантириш компанияси” АЖга 100 миллион доллар миқдоринда қўшимча маблағ ажратилади.

Шунингдек, 2025 йил 1 январдан божхона чегарасидан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм пахта ил-калаваси учун йиғим унинг экспорт нархидан 2 фойз миқдорда, бирок 0,05 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда, божхона чегарасидан олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм трикотаж мато учун эса йиғим унинг экспорт нархидан 1 фойз миқдорда ўрнатилиши белгиланди.

Бугун янги Ўзбекистонда тадбиркорлик қиладиган замон келди дея баралла айта оламиз. Ҳозир давлат — тадбиркор, тадбиркор эса халққа мададор бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли бандлигини ошириш, одамларнинг яшаш шариотларини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартиришга замин яратяпти. Жараёнларнинг муваффақиятли ва юқори самарали бўлишида мажур фармон мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

айтганида ҳам унчалик кўнглим жойига тушмаганди. Шўқрки, мен ўйлаганимдек бўлиб чиқмади. Аксинча, туман, виллоят ҳокими келиб, ишимиздан мамнун бўлди. Керакли маслаҳатларини, ёрдамини ашмаяпти. Раҳмат айтиб кетишди. Бирор муаммо пайдо бўладиган бўлса, бирданга хал қилишди. Шундай замонда қилмай бўладими? Ўзим нафақага чиққан бўлсам-да, ҳар кун иш у ердан. Буларни доим ҳалол меҳнат қилишга ундаб келаман. Кам бўлаётганимиз йўқ. Оиламиз билан бандимиз.

Ёш тадбиркорга бир пайтлар фойдаланиш учун берилган солиқ ҳўжаликнинг эски омборхонаси кейинчалик қайта таъмирланиб, замонавий корхона шаклига келтирилди. Етарли шариотлар қилиниб, янги иш ўринлари яратилди. Имоннинг бор жойда барчаси яхши бўлгани сабаб ишлаб чиқариш ҳажми янада орта бошлади. Хусусан, турли иш ва ҳажмдаги ванналар, раковиналарга қизилуви чилар нафақат Қамаш, балки виллоятнинг бошқа туманларидан ҳам кела бошлади.

— Олдинига ойинг 100 дан зиёд ванна ишлаб чиқариб келаятган бўлсак, кейинчалик бу уч баробар ошди, — дейди Б.Тоштемуров. — Шунга яраша иш ўрни яратдик. Ҳозир корхонамизда 40 киши ишлайди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида ҳам филиалимизни ташкил этганмиз. Савдо шохобчаларимиз мавжуд. Бошқа виллоятларга ҳам маҳсулот етказиб бермоқдамиз. Асосан, икки ил, яъни оғир ва енгил турдаги ванналар тайёрлашни йўлга қўйганмиз. Оғир турдагиси учун асосан, Китоб тумани тоғ тошларидан ажратиб олинган қумдан ва бошқа қазималардан фойдаланамиз. Енгил учун кўпроқ хомашени четдан харид қилиб келамиз. Имон даражасида сифатли буюмлар тайёрлашга эътибор қаратганмиз. Шу сабаб харидорларимизнинг қизиқиши доимо юқори.

Айни пайтда ёш тадбиркор янги лойиҳа устида ишламоқда. Жорий йилдан бошлаб қўшимча равишда мебель цехини ишга туширишни режалаштирган. Шу жойнинг ўзида ишлаб чиқариладиган турли мебеллар буюртмалар асосида етказиб берилади. Шунингдек, янги цехда қўшимча иш ўринлари яратилади.

Корхона мутасаддилари маҳсулотларини хориж бозорларига олиб чиқишни мақсад қилган. Бунинг учун эса барча имкониятлар етарли. Демак, яқин вақтлар оралиғида Қамашнинг чекка қишлоғидаги сантехника буюмлари чет давлатда ўз харидорларига эга бўлади.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ЎЗГАРИШЛАР ФАЛСАФАСИ

ИСЛОҲОТЛАР ХАЛҚИМИЗНИНГ БУГУНГИ ҲАЁТИ ВА ЭРТАНГИ ИСТИҚБОЛИНИ ЎЙЛАБ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА



Салоҳиддин ИСОМИДДИНОВ, журналист

Бошланиши 1-бетда

Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат

Инсон тафаккури, ҳаётдан розилик даражаси, унинг ҳақ-ҳуқуқлари сўзсиз таъминланиши ҳар нарсадан муҳимроқ. Мамлакатимизда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституцияда “инсон — жамият — давлат” тамойили устувор қўйилиб, инсон ҳуқуқлари кафолатлари оид нормалар сонини 3,5 баробар кўпайтирди.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар орта қайтмаслигини мустақам ҳуқуқий кафолати бўлган Бош қонунимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган моддалар ҳамда уларда белгиланган нормалар нафақат сон, балки мазмун жиҳатидан ҳам бойитилди.

Илк марта давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари ҳаёти сифатини ошириш, ногиронлиги бўлган шахслар жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриш маъмурий асосланди.

Аёнки, “инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу гоянинг туб негизиде ҳам аввало инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам. Янги тахрирдаги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланган қўйилган алоҳида эътиборга молик.

Бугунги кунда Бош қонунимиз ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида инсон манфаати, унинг шаъни, қадр-қимматини улуғлаш, аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, ёшларнинг сифати таълим олиши, юртдошларимиз соғлом экологик муҳитда яшаш учун кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, унинг тизимида эса “Инсон” ижтимоий хизматлари марказлари ташкил этилган бугун ўзини тўла оқлаётганин ҳаммамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Ҳозир барча ҳудудларда очилган “Инсон” марказлари ижтимоий ходимлари томонидан бевосита маҳалларда аҳолига 100 дан ортиқ турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилаётгани бунинг амалий ифодасидир.

Инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида бугун мавжуд барча масалалар маҳалларнинг ўзиде ечилиб, минг-минглаб эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топмоқда. Шу ўша ҳудудда истиқомат қилаётган ёшлар, хотин-қизлар ўз иш жойига, яхши даромад манбаига эга бўлмоқда, ота-онаси, она-лас бағрида фаровон ҳаёт кечирмоқда, кўплаб фуқароларимиз хорижга иш қидириб кетишдек ташвишли муаммодан қутулди, дегани.

Бугун ҳаммаси юртимиз тарққотидаги бутунлай янги даврга қадам қўймоқда. Мамлакатимизда 2030 йилга бориб иқтисодийимиз ҳажминини 200 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Эътибор беринг, бу кичик рақам эмас. Лекин Ўзбекистондаги янги ислоҳотлар маррага эришиши мумкинлигини яққол кўрсатмоқда. Шу орқали аҳолининг турмуш даражаси ва сифати кескин яхшиланиб, аҳоли жон бошига даромад янада ошди.

Буларнинг ҳаммаси янги Ўзбекистондаги изчил ислоҳотлар, аввало, инсонни эъзозлаш, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил

ошириб боришга қаратилаётганининг яққол намунаси, десак янглишмаймиз.

Муболагасиз айтиш мумкинки, бугун ҳар бир инсон мамлакатимиз раҳбарининг “Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблаг ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг бирорта фуқаросини ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди”, деган қатъий иродаси ва принципини гавоҳ бўлмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни ўз кундалик ҳаётида кўриб, ҳис этаётир.

Учинчи Ренессанс йўлидаги эркин муждалар

Бугун барча муаммолар ечими, саволлар жавоби илм-фан, таълим ва тарбияда экани кундек равшанлашмоқда. Мамлакат келажак, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақиятини эса билимли, замонавий фикрлайдиган ёшларга боғлиқ.

Аммо бир пайтлар муаллимнинг обрўси, шаъни, қадри ҳаминқадар баҳолангани, ойлик маошлар камлиги туфайли аксарият эркак ўқитувчилар ишини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Натижада мактаб ва болалар таълим-тарбияси аёл педагоглар қўлида қолди. Бу эса нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг касбига муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Президентимизнинг сиёсий иродаси билан бугун таълим соҳасида вазият тубдан ўнгирилди. Миллий тараққиёт стратегиямиз асосида юртимизда таълим ва тарбия тизимида тўла маънода тарихий ишлар амалга оширилиб, ушбу соҳага бор куч ва катта маблаг йўналтирилди.

Кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни охиригача сақлаш йўлида 5 мингдан зиёд мактабда, жорий йилнинг ўзида 608 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилгани, илк бор 530 та мактабда инклюзив таълим жорий этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқатланиши йўлга қўйилгани яққол тасдиқлайди.

Одам соғлом бўлмаса, унга иш ҳам, моддий неъматлар ҳам, ҳаёт қувончлари ҳам татиймайди. Инсон ҳар бир кунидан, ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун, аввало, у ҳар томонлама фойдаланиши.

Утан даврда хусусий сектор вивоняи учун қайтиб берилаётган қўлай имкониятлар натижасида нодавлат мактаблар улущи 5 фоизга етди. Таълим сифатини юксалтириш мақсадида педагоглар малакасини ошириш бўйича ягона ва вертикал тизим яратилди.

Мушлак янгича мазмун ва шаклга эга бўлган Президент мактаблари бугун бошланғич таълимнинг жаҳон андозаларига тўла жавоб бермоқда. Қувонарлиси, уларнинг битирувчилари дунёнинг энг нуфузли университетларига кириш учун грантлар ютти олмоқда.

Яқин-яқингача ёшлар бирор тил ёки касб-ҳунарини ўрганиш учун қўшимча пул тўлаб репетиторга боришга мажбур эди. Бугун улар мактабнинг ўзида иккинчи хорижий тил ва касб-ҳунарни ўрганиши учун барча имкониятлар яратилди. Ҳусусан, 2024-2025 ўқув йилида 354 та мактабда 16 мингдан зиёд ўқувчи вақтинча хорижий тилни ўқитиш, 289 та мактабда 40 мингдан ортиқ ўқувчи касб-ҳунарни ўргатиш йўлига қўйилди.

2023-2024-ўқув йилида Ўзбекистон мактаб ўқувчилари томонидан халқаро фан олимпиадаларида кўлга киритилган 122 медал ҳам Учинчи Ренессанс йўлидаги эркин муждалардан биридир. Агар ушбу соҳага бу даражада катта эътибор қаратилганига бу натижада қаерда эди?!

Ҳўш, бу каби эзуликка йўтилган амаллар, халқчил саъй-ҳаракатлар ким учун? Албатта, ҳар бир инсоннинг қаерда яшаш ва ишлашидан қатъий назар, қадр топиши, фаровон яшаш, мурод-мақсадига етиши учун. Инсон қадри ҳам шу эмасми, аслида?!

Яқин-яқингача квоталар камлиги, қабул имтиҳонларида айрим тўсиқлар борлиги сабабли кўплаб ёшларимиз ўқини ўрнига хорижга иш излаб кетишга мажбур бўларди. Утан даврда ушбу тизимда вазият тубдан ўзгарди. Фаол ислохотлар натижасида юртимизда 135 та янги олийгоҳ ташкил этилиб, умумий сонини 211 га етди. Қамров даражаси эса 4 баробардан зиёд ошиб, 38 фоизни ташкил этди.

Ийги-қўларимизнинг олий маълумот олиши учун имтиёзлар, қабул квоталари оширилгани туфайли бугун уларнинг узоқ йиллар орзу қилган ниятлари, мақсадлари тўлиқ рўйбга чиқмоқда. Ҳозир ўқиниша кириши имкони кенг, бир абитуриент бир пайтнинг ўзида бир неча ОТМга ҳужжат топшириши ва талаба бўлиши мумкин. Асосийси, ҳеч бир ёш



давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолаётгани йўқ. Шу эмасми юртимизда ёш авлодга берилаётган юксак эътибор ва кенг имкониятнинг эркин намунаси?!

Саломатлик — энг катта бойлик

“Саломатлик — туман бойлик” нақли бежиз айтилмаган. Бунинг замирида чуқур маъно-мазмун, ҳаётини сақолат муҳассам, аслида. Зеро, саломатлигини ҳар қанча моддий бойлик ва маблаг эвазига сотиб олиб бўлмайди. Касаллиқни даволашдан кўра унинг олдини олиш оила учун ҳам, давлат учун ҳам самарали ва фойдаландир.

Одам соғлом бўлмаса, унга иш ҳам, моддий неъматлар ҳам, ҳаёт қувончлари ҳам татиймайди. Инсон ҳар бир кунидан, ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун, аввало, у ҳар томонлама фойдаланиши.



соғлом бўлиши керак. Шунинг учун мамлакатда аҳоли саломатлигини мустақкамлаш, соҳани тезкор ва самарали, мушқил тизимга айлантириши масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Масалан, сўнгги саккиз йилда соҳага ажратилаётган маблаг ҳажми 6 баробар, яъни 5,9 триллион сўмдан 33,5 триллион сўмга оширилди. Шу даврда 200 дан ортиқ қўнуни ҳужжати қабул қилинди. Янги тахрирдаги Конституцияда соҳага оид нормалар кучайтирилгани, Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқлангани том маънода соҳани комплекс ҳуқуқий тартибга солиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга имкон яратди.

Барча ижтимоий хизматлар каби тиббиёт тизимини халқимизга янада яқин қилиш бўйича кўрилатилган аниқ чоралар туфайли бирламчи ва малакали тиббий хизматлар аҳолининг кенг қатламларига кириб бори. Айни пайтда юқори технологияли жарроҳлик операциялари нафақат пойтахтимиз ва вилоятлар марказида, балки туманларда ҳам муваффақиятли ўтказилиб, минглаб беморлар ўз дарди-га шифо топмоқда.

Республика иختисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида донордан олинган суюқ қўнмигиз ўзақ ҳужайралари

трансплантацияси, Кардиология марказида эса мурракб эндоскопик жарроҳлик амалиёти йўлга қўйилгани, Миллий тиббиёт маркази шифокорлари томонидан олис туманларда Европадан келтирилган кўчма кардиокардиолик мажмуасида мурракб операциялар муваффақиятли ўтказилаётгани ушбу соҳадаги фаол ислохотларнинг меваси, десак асло муболага эмас.

Эътибор беринг, яқин-яқингача фуқароларимиз тиббиёт марказларида имтиёзли йўлланиш — ордер асосида даволашни учун не-не қийинчиликларга дуч келарди. Кўплай юртдошларимиз ордери олдида кўнлаб, оилаб навбатда турарди. Ордерлар қозғоқ шаклида юриштирилиб, аксарият ҳолларда таниш-билишчилик асосида бериларди.

Ордери учун маблаглар республика тиббиёт марказларида бемор келса-келмаса, унинг миқдори етарлими ёки йўқми, бундан қатъий назар, ҳар йили ўтказиб келинган ҳам ачиқ ҳақиқат. Бугун буларга чек қўйилди. Тиббий ёрдам учун йўлланишга ҳақиқий эҳтиёж бора аҳолига электрон навбат асосида берилмоқда.

Яна бир мисол. Илгари тугма юрак нуқсонини бор болага операция учун республика марказига 3 миллион сўм ажратилган. Қолган 20-30 миллион сўм харажати эса ота-онаси кўстармаса мажбур бўлган. Бугун ушбу операция учун зарур маблаг давлат томонидан тўлиқ қопланмоқда.

2023 йил 27 март куни қабул қилинган “Тиббиёт ходимининг қўнуний тиббий фаолиятига тўқсинлик қилганлик учун жавобгарлик белгилашни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қўнуни соҳа вакилларига юксак эътибор ва эҳтиромнинг ёркин ифодаси бўлди. Ушбу қўнуни ҳар бир шифокор дилига чўғ солди. Уларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартирди, ишончини оширди.

Мазкур ҳужжат бугунги кунда тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олиш, шифокорлик касби мақоми ҳамда нуфузини ошириш, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўқсик қалблардаги музлар эриди

Бахтли яшаш, муносиб турмуш кечиришга барча халқлар ҳақли ва бу уларнинг табиий ҳуқуқидир. Бунга эса мамлакатдаги одилона бошқарув сиёсати билан эришиш мумкин. Инсоннинг ўз ҳаётидан рози бўлиб умртгузаронлик қилиши учун қўн нарса шарт эмас, ўз уйи, тинч хонадон бўлса етарли.

Лекин илгари оддий, қишлоқда яшовчи фуқаролар учун ер участкасини, уй-жойини давлат рўйхатида ўтказиб, эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш деярли имконсиз эди. Натижада кўплай юртдошларимиз ўз маблағига қўнган уй-жойига эгалик ҳуқуқини ололмай, анча сарсон-саргардон бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз вазифасини бажаришга киришган илк кунлардан ошуб оғриқли масалага жиддий эътибор қаратди. 2018 йилда Президент фармони билан ўтказилган бир марталиқ умумдавлат акцияси доирасида 621 мингдан ортиқ фуқаронинг ўзбошимчалик билан эғалланган ер участкасида тегишли рухсатномасиз қурилган уй-жойларига нисбатан эгалик ҳуқуқи эътироф этилиб, уларга кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилди.

Таассуфки, ушбу акциядан кўпчилик фуқароларимиз самарали фойдалана олмади. Натижада бугунги кунга қадар 4 миллионга яқин юртдошимиз уй-жойларини кадастр қилишда ташкилотма-ташқилот, идорама-идора юриб қийналиб келибди.

Президентимиз 2024 йил 5 август куни имзоланган “Ўзбошимчилик билан эғаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва ишоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қўнуни билан ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва ишоотларга бўлган ҳуқуқни эътироф қилишни аниқ тартиби белгиланди. Бу кўплай юртдошларимиз ҳаётини ёриштирган, қанча-қанча хонадонларга қўнуни, шодлик ва бахт олиб киргани рости.

Кўпчилик фуқароларимиз кутатган ва миллионлаб оилаларнинг ҳаётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, кўп вақт одамларни қийнаб келган уй-жойига эга бўлиш борасидаги долзарб муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишга хизмат қиларди.

Инсон ўзи узоқ йиллар яшаб келатган юрт фуқароси бўлмаса, давлат ва жамият ишларида иштирок этиши чекланган бўлса, у баринбир ўзини бегонадай ҳис қиларди. Сўнгги йилларда юртимизда кўп вақт яшаб келатган, лекин Ўзбекистон фуқароси ҳуқуқий мақомига эга бўла олмаётган юртдошларимиз ҳаётида ҳам том маънода унутилмас воқеа бўлди. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қўнунга асосан, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан бунён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳнома асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий этилди.

Инсон ўзбекистондаги энг муҳим ўзгаришлардан яна бири ўзбошимчилик билан хусусий мулк ҳуқуқини поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асоссиз важдар билан қўчмас мол-мулкни бузиш ҳолатларига чек қўйилгани бўлди. Бош қўнунимизда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қўнунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги акс этгани бир неча йиллардан бунён жамиятимиздаги ўткир муаммолардан бирига айланган “снос” деган муаммага бутунлай барҳам берди.

Марказий Осие руҳи

Марказий Осие ҳатто қадимги даврларда ҳам Осиенинг юраги сифатида алоҳида эътиборга молик ҳудуд бўлган. Зеро, бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажакимиз, ҳаётини муҳим манфаатларимиз ҳам муштаракдир.

Лекин шундай даврлар бўлдики, қон-қардош, қуда-анда қўшни халқлар ҳатто тўю маърақад ҳам бир-бириникига бора олмай

қолди. Бу муаммолардан халқ зада бўлди, қўнгли оғриди, норозилик кайфияти кучайди. Азалдан қўни-қўшни, қариндош бўлиб яшаб келган, тарихий идиларини, тили ва дини бир бўлган халқларнинг асрий қарашларига ҳам путур етди.

Давлатимиз раҳбари ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ, биринчи навбатда, қўннлар билан алоқаларини тубдан яхшилашга киришди. Марказий Осие муаммоларини ҳал этишни ташқи сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилди. Шу тариқа юртимизнинг Марказий Осие минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди.

Сўнгги йиллардаги сиёсат Ўзбекистон учун ҳам, минтақа учун ҳам янги даврни бошлаб берди ва минтақага “бирлик руҳи” қайтди. Мамлакатимиз етакчиси ташаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осие давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари бугунги кунда муҳим ҳаётини масалаларини ҳал қилиш ва кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги мазмун билан тўлдирши борасида самарали платформага айланиб улгурди.

Утан қисқа даврда давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, жаҳон иқтисодий муносабатларига янада фаол интеграциялаштириш йўлида биргаликда ташланган қатъий қадамлар туфайли 2017 йилдан бунён Марказий Осиеда тараққиёт ва шерикчиликнинг муҳим масалалари бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг 10 дан ортиқ резолюцияси қабул қилинишига эришилди. Ўзбекистон вакили биринчи марта БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзоси бўлди. Бунга янги Ўзбекистон солномасида тарихий ҳодиса, десак муболага бўлмади.

Қўшни давлатлар билан муносабатларимизда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳал этилгани ва чегаралар очилгани туфайли ака-укани, ота-боласи, қариндош қариндоши билан узил-кўрилган алоқаларини тиклади. Халқларимиз ўртасида қуда-андачилик, қариндошлик ришталари мустақкамланди. Таъбир жоиз бўлса, меҳр ришталари қайта боғланди.

Президентимиз 2024 йил 5 август куни имзоланган “Ўзбошимчилик билан эғаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва ишоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қўнуни билан ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва ишоотларга бўлган ҳуқуқни эътироф қилишни аниқ тартиби белгиланди. Бу кўплай юртдошларимиз ҳаётини ёриштирган, қанча-қанча хонадонларга қўнуни, шодлик ва бахт олиб киргани рости.

Кўпчилик фуқароларимиз кутатган ва миллионлаб оилаларнинг ҳаётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши, шубҳасиз, кўп вақт одамларни қийнаб келган уй-жойига эга бўлиш борасидаги долзарб муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишга хизмат қиларди.

Инсон ўзи узоқ йиллар яшаб келатган юрт фуқароси бўлмаса, давлат ва жамият ишларида иштирок этиши чекланган бўлса, у баринбир ўзини бегонадай ҳис қиларди. Сўнгги йилларда юртимизда кўп вақт яшаб келатган, лекин Ўзбекистон фуқароси ҳуқуқий мақомига эга бўла олмаётган юртдошларимиз ҳаётида ҳам том маънода унутилмас воқеа бўлди.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қўнунга асосан, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан бунён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳнома асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий этилди.

Инсон ўзбекистондаги энг муҳим ўзгаришлардан яна бири ўзбошимчилик билан хусусий мулк ҳуқуқини поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асоссиз важдар билан қўчмас мол-мулкни бузиш ҳолатларига чек қўйилгани бўлди. Бош қўнунимизда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қўнунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги акс этгани бир неча йиллардан бунён жамиятимиздаги ўткир муаммолардан бирига айланган “снос” деган муаммага бутунлай барҳам берди.

Марказий Осие ҳатто қадимги даврларда ҳам Осиенинг юраги сифатида алоҳида эътиборга молик ҳудуд бўлган. Зеро, бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажакимиз, ҳаётини муҳим манфаатларимиз ҳам муштаракдир. Лекин шундай даврлар бўлдики, қон-қардош, қуда-анда қўшни халқлар ҳатто тўю маърақад ҳам бир-бириникига бора олмай



Худудлар қиёфаси

Тадбиркорликда кичик бизнес муҳим. Чунки у иқтисодий ривожланишнинг асосий тенденцияларидан. Шу боис, бу йўналишни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йил 16 декабрь кунги Президентимиз раислигида банк хизматлари орқали маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар ва 2025 йил учун асосий режалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу масала яна бир бор кун тартибига чиқди.

СУРХОНДАРЁ ХАЛҚАРО САВДО МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Қандалатчилик хўжалик фаолиятининг яна бир тури. Унда асосий эътибор ширинликлар ишлаб чиқариш ва сотишга қаратилади. Бу йўналишда бизнесни йўлга қўйишда аниқ режалаштириш ва диққат билан ишлаш талаб этилади. Термизлик Иқбол Исоқова шу йўналишда фаолият юротади.

— Ишимни 2 килограмм шаккар, 10 килограмм ун билан бошлаганман. Ҳозир 12 турдаги ширинликларни тайёрлаб, бозорга етказиб бераман. Бир нечта хотин-қизни иш билан таъминлаганман. Ҳам ўзимнинг рўзгорим оёқда, ҳам маҳалладошларимнинг. Давлатга солиқ тўлаб фойда бераман, — дейди қандалатчи.

Кичик бизнес ривожини давлатга солиқ тушуми кўпайишида ҳам муҳим. Бу, ўз навбатида, ижтимоий дастурларни амалга ошириш, инфратузилмани ривожлантириш ва жамиятни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Таъкидланганидек, маҳаллаларда тадбиркорларнинг кўпайиши мамлакат иқтисодий ривожига катта аҳамиятга эга. Бу нафақат иқтисодий ўсиш, балки фаровонлик ва моддий барқарорлик ҳам ҳисса қўшади.



— Тадбиркорликнинг тараққий этиши янги иш ўринлари очилиши, яхшиланган инфратузилма, янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва хизмат кўрсатиш сифати ошиши, рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

негизда Термиз тумани “Айритом” халқаро савдо маркази эркин савдо зонаси ташкил этилди. Бу ерда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга экспорт қилиш учун кенг имконият мавжуд.

ган мақсад ҳам шу — ҳудудда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турини кенгайтириш орқали экспорт ҳажмининг ошириши. Термиз эркин иқтисодий зонаси бу борада катта имкониятлар эшигини очди.

Жумладан, 2024 йилнинг 9 ойи давомида Афғонистонга экспорт қиймати 24 миллион 775 минг долларни ташкил этган. Импорт улуши эса 2 миллион 540 минг долларга етказилган. Бугун бу ҳудуд Афғонистон тадбиркорлари ва фуқаролари учун қатор қулайликлар яратмоқда.

— Илгари давлатимизда ишлаб чиқарилган турли истеъмол маҳсулотлари реализацияси билан боғлиқ муаммоларга дуч келар эдик. Ҳозир Сурхондарёда биз “жаҳон бозори” деб атайдиган марказнинг фойдаланишга топширилганидан мен каби тадбиркорлар ҳамда оддий афғон фуқаролари беҳад хурсанд, — дейди афғонистонлик Муҳаммад Умиджон. — Ўзим ҳам шу ерда савдо билан шуғулланяман. Даромадим ошяпти. Савдо ҳам қизган. Бу ерда икки давлат фуқароларининг бандлиги таъминланган. Тўғриси, бу иқтисодий зонада биз — афғонистонликлар учун бундай юксак даражада шароит яратилади деб ҳеч

ўйламаган эдим. Ўзбекистон Президентидан жуда миннатдорим.

Марказга кириб-чиқиш учун афғонистонликлар, қўшни мамлакат орқали кириб келадиган бошқа давлат фуқаролари ҳамда фуқаролари бўлмаган шахсларга “яшил йўлак” очиб берилди. Бу эса халқаро савдо марказида маҳаллий тадбиркорлар қатори афғонистонлик фуқароларнинг ҳам эмин-эркин савдо қилиши ҳамда тижорат билан шуғулланиши, ишлаб чиқарувчилар билан шартнома имзолашида қулайлик бўлди.

— Терини қайта ишлаш корхонам бор. Унда 350 киши ишлайди. Марказнинг очилиши мени жуда ҳам севинтирди. Сабаби, бу мен учун янги экспорт географиясини очди. Аслида, кўплаб давлатлар билан савдо алоқалари ўрнатганман. Аммо Ўзбекистон бозори мен учун янгилик бўлди. Шу тўғриси ҳамкорликни йўлга қўйдим, — дейди афғонистонлик тадбиркор Муҳаммад Самий Гўнсий.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги маълумотига кўра, 2024 йилнинг декабрига қадар 20 га яқин давлатга 400 миллион доллар қийматидаги маҳсулот экспорт қилинган. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 154 фоиз ўсган. Товарларнинг экспорт таркибига эътибор қаратсак, саноат маҳсулотлари улуши 43 фоиз (98,4 миллион доллар), мева-сабзавот маҳсулотлариники эса 57 фоиз (127,8 миллион доллар)ни ташкил қилган. Ана шундай иқтисодий ўсиш суръатини хорижий инвестицияларни ўзлаштириш динамикасида ҳам кўриш мумкин. Масалан, шу даврда 800 миллион доллардан кўпроқ маблағ йўналтирилган.

Президентимиз раҳбарлигида ўтган йил 22 ноябрь кунги Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказилган эди. Унда давлатимиз раҳбари маъсулларга ҳудудда иқтисодий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган қатор вазифаларни белгилаб берганди.

2025 йилда воҳага 2 миллиард доллар миқдорда инвестиция жалб этилиши белгиланган. Муҳими, 425 минг кишини банд қилиш ва экспортни 320 миллион долларга етказиш режа қилинган. Ҳудудда қарийб 36 гектар “Айритом” халқаро савдо мажмуасининг имконияти катта. Бугун ушбу эркин иқтисодий зонада бир ойда қиймати ўртача 5 миллион долларга тенг барча турдаги маҳсулотлар сотилапти. Зона ҳудуди яна 150 гектарга кенгайтирилса, қўшимча 250 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш имконияти туғилади.

Олдинда бажарилмаган ишлар талайгина. Асосийси, мақсад сари илк ва дадил қадамлар қўйилди. Муҳими, бу саён-ҳаракатлар аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишда катта аҳамиятга эга.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Янгича ёндашувлар

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш, бир гектардан олинadиган ўртача даромаднинг 5 минг долларга етказиш муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган.



“Голубика меваларининг пишиш давомийлиги 1–1,5 ой давом этади. Турининг хилма-хиллигига ва иқлимга қараб, бу май-июнь ойларига тўғри келади. Ҳар бир нав пишиб етилиш даврида 3 мартадан 5 мартагача ҳосил беради.

Дунёда жуда тез оммалашаётган қимматли резавор мевалардан бири голубика ҳисобланади. Бунинг боиси, таъми ўзига хослиги, витаминга бойлиги ва шифобахшлигидир. Ушбу мевани етиштириш ялпи ҳажми қарийб 1 миллион тоннадан ортади. Экспертлар фикрича, кейинги икки йилда унинг майдони янада ортиб, экспорт салоҳияти жорий йилда қарийб 3 миллиард долларга етади.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 14-15 октябрь кунлари Тошкент вилоятига ташрифи чоғида Оҳангарон ва Бўстонлик туманларида минг гектардан адира ва тоғ олди ерларида малина ҳамда голубика плантациясини, Паркентда 2 минг гектар ва Оҳангаронда минг гектарда узум ва гилос

боғларини ташкил қилиш имкониятлари кўрсатиб ўтилган эди. Бу орқали 5 минг кишини, айниқса, камбағал оилаларни даромадли қилиш имконияти таъкидланган эди. Умуман олганда, вилоятни боғдорчилик бўйича намунали ҳудудга айлантириб, экспортни 300 миллион долларга етказиш вазифаси белгиланган.

Президентимиз, шунингдек, 2024 йил 9 апрель кунги Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги Лалмикор маҳалласига ташрифида ҳам маҳаллада резавор мевалар етиштириш бўйича ўқув майдонини кўздан кечирган эди.

ГОЛУБИКА

Уни етиштириш ҳар жиҳатдан фойдали

мевали ўсимликлардан биридир. Шимолий Америкада унинг маданий навлари кенг тарқалган ва қимматбаҳо озиқ-овқат ҳамда доривор ўсимлик ҳисобланади.

Дунёда голубиканинг совуққа ва қурғоқчиликка чидамли, юқори ҳосилдор янги навларини яратиш, кўпайтириш ва ҳосил етиштиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозир унинг 25 га яқин нави етиштирилади.

Перу, Чили, Канада, Мексика, Польша, Хитой, Россия, Туркия каби давлатларда ушбу ўсимликлар кўчатлари ва меваларини замонавий ресурстежамкор технологиялар орқали етиштиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган. Республиканинг шароитида ҳам витаминга бой ушбу мевали ўсимликни кўпайтириш ва парварилашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги экологик вазиятда аҳоли организмни тиклашнинг ягона усули — табибий ва витаминга бой маҳсулотларни истеъмол қилишдир.

Голубика меваси янги терилган ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилинади. Ундан мураббо ва вино тайёрланади. Одатда, голубика черника, клюква, брусника каби мевалар билан аралаштирилган ҳолда ишлатилади. Бута кўринишида ўсади. Ҳозирги кунда

иқлими мос келган давлатларда саноат миқёсида экиш даромадли бизнесга айланган.

Ўзбекистонда етиштириладиган голубика меваси айни пайтда юртимизда энг даромадли бўлган гилос етиштиришдан ҳам жозибали ва даромадли бизнесга айланиши мумкин. Чунки голубика дунё бўйлаб энг кўп импорт қилинадиган резавор мевалар сирасига кирди. Юртимизда голубика мевасини қўлда йиғиб олиш учун ишчи кучи етарли. Тоғли ҳудудларимиз голубика ўстириш учун қўлай.

Голубика — парвариши оддий бўлган ўсимлик. Аммо уни экиш ва ўстиришда тупроқнинг ишқорлик даражасига алоҳида эътибор бериш керак. Бу ўсимлик эволюциясида ўрмон тупроқларида ўсиб шаклланигани эътибордан четда қолдирилганимиз зарур. Голубика парвариши учун қандай таркибдаги торф талаб қилинади, кўчатини экиш учун томорқа ёки дала ҳудудлари экан майдонларнинг қайси жойини танлаш керак? Голубиканинг мўътадил ўсиши, ривожланиши ва ҳосил бериши учун ишқорли тупроқ зарур. Шунинг учун тупроқнинг ишқорлик даражаси мунтазам равишда текшириб турилиши, зарур ҳолларда унинг ишқорлигини ошириш чораларини кўриш лозим. Республикаимизнинг тупроқ муҳити нейтрал рН кўрсаткичи 6,5–7 бўлганлиги сабабли ишбу ўсимлик ҳозирги кунда катта тувакларда етиштириб келинмоқда.

Тупроқ ишқорлигини 4–4,5 оралигида сақлаб туриш учун эса ўзига хос тадбирлар талаб этилади.

Агар ер майдони голубика экиш ва парварилаш учун белгиланган талабларга умуман жавоб бермаса, бу ҳолда 30–50 литр ҳажмли тувакларда махсус субстратлардан солган ҳолда парварилаш орқали узоқ йиллар давомида ҳосил етиштириш мумкин. Бунинг учун махсус тайёрланган тупроқ аралашмаси тувакларга солиниб, ҳар бирига бир тупдан кўчат экилади ва бута ҳолатига қараб, талаб даражасида йилга устки қисми янгиланиб борилади. Экилган кўчатлари 2–3 йилдан бошлаб ҳосил бера бошлайди ва ҳар бир тупидан ўртача 3–4 килограммгача ҳосил олинади. Ҳосилдорлик ўсимлик ёши ва парварилаш технологиясига қараб ортиб боради. Голубика кўп йиллик бута ҳисобланиб,

ўртача 50–60 йил давомида ҳосил бериши аниқланган. Беш-олти йилдан кейин бир мавсумда гектаридан 15 минг килограмм атрофида ҳосил йиғиб олинади.

Голубика меваларининг пишиш давомийлиги 1–1,5 ой давом этади. Турининг хилма-хиллигига ва иқлимга қараб, бу май-июнь ойларига тўғри келади. Ҳар бир нав пишиб етилиш даврида 3 мартадан 5 мартагача ҳосил беради.

Қимматбаҳо ва экспортбоп резавор мевалардан бири бўлган голубикани республикамиз тупроқ-иқлими шароитида самарали кўпайтириш ва етиштириш технологиясини бўйича ҳам илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятининг Тошкент туманида “World Ekzotik Agro” МЧЖ томонидан голубика етиштириш ишлари йўлга қўйилган. Илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш мақсадида 2024 йилнинг декабрь ойида Тошкент давлат аграр университети ва МЧЖ ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланиб, талабалар, магистрантлар ҳамда докторантларнинг резавор мевалар бўйича ўқув амалиётлари ҳамда илмий-тажриба ишлари амалга оширилмоқда. Эътиборли жиҳати, университет бакалавр талабалари учун ушбу корхонада ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўташ билан бирга иш ҳақи тўланадиган стажировкаларни амалга ошириш имкониятлари яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамиз тупроқ-иқлим шароити учун янги бўлган ушбу ўсимликни аҳоли томорқалари, деҳқон ва фермер хўжалиқларида етиштиришни йўлга қўйиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ҳамда аҳоли саломатлиги учун жуда фойдали ушбу мевага бўлган эҳтиёжини қондиришга эришилади.

Ихтиёр НАМОЗОВ, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, Акбар ҚУРБОНМУРОДОВ, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили

ИЗЧИЛ ТАШАББУСЛАР

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

ЗИММАМИЗГА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

ЭКОЛОГИК ОҚИБАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ



Абдували ИСАЖОНОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

50 фоизга, тоза ичимлик суви истеъмоли эса 30 фоизга ўсади.

Учинчидан, иқлимнинг кескин ўзгариб кетиши натижасида юзага келадиган экологик муаммолар жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Иқлим ўзгариши инсон ҳаёти шароитини анча ёмонлаштиради ва фаровонлигига катта зарар етказиши.

Жаҳон таърихига кўра, “яшил” иқтисодиёт ижтимоий барқарорликка

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ривожланиш ва “яшил” трансформацияни амалга оширишда углерод нейтраллиги йўлидан бориш орқали энергия хавфсизлигини мустаҳкамлаш мумкин. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш энергиядан самарали фойдаланишга ёрдам беради ва иқтисодиётнинг импорт қилинадиган табиий газга қарамлигини камайтириш орқали энергия хавфсизлигини қўллаб-қувватлайди. Қайта

тараққиёт талаблари асосида трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ҳамда энергетика тармоқларида барқарор инфратузилма яратиш, камбағалликни қисқартириш ва “ақли” қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, Президентимиз ўтган йил ноябрда Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича



Гулчехра ЖЎРАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Юртимизнинг ҳар қарич ери олтинга тенг. Унинг гўзал табиати, мусавфо ҳавоси, зилолдек тиниқ ва шифобахш суви ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Ана шундай бетакрор гўзалликни асраб-авайлаш, келажак авлодга бус-бутун етказиш муқаддас бурчимиздир.

Аммо экологик барқарорлик, атроф-муҳит тозалигига масъулиятни барчамиз баробар ҳис эта олинмади? Бугун ушбу мавзуда қайта-қайта бонг уриладигани бежиз эмас. Сабаби, кейинги йилларда атмосфера ҳавоси бузилиши, иқлим ўзгариши, қурғоқчилик, Орол денгизи қуриши ва бошқа глобал экологик муаммолар инсониятдан табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимиз бўйлаб кенг қамровли ишлар бажарилаётгани, айниқса, “яшил” ҳудудларни кўпайтиришга эътибор қаратилаётгани одамларнинг кўнглидаги иш бўлган. Зеро, яшаб турган жойимизни озода сақласак, табиатга меҳр ва эътибор берсак, келажак авлод ҳам муносиб экологик шароитда яшайди.

Ушбу жараёнда соҳанинг мукамал ташкил-ҳуқуқий асослари яратилиб, атмосферани муҳофаза қилиш, ер, сув, ер ости бойликлари, биологик ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланишнинг концепция ҳамда стратегиялари ишлаб чиқилгани катта аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизга ҳам ҳар қим қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиши ҳуқуқи бўйича норма киритилиб, давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш қатъий белгилаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилаяпти.

Шунга қарамай, бутун айрим юртдошларимиз хонадонидан чиққан чикиндини ариқ ва каналларга оқизиб юбораётгани, йўл бўйига ташлаб кетаётгани кишини ўйлантиради, мушоҳадага чорлайди. Ваҳоланки, Бош қонунимизнинг 62-моддасида фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар деб белгилаб қўйилган.

Биз учун қадрили бўлган неъматларни исроф қилмаслик халқимизнинг миллий қадриятлари, эзу фазилатлари сирасига кирди. Болалигимизда бувиларимиз, боболаримиз “Ҳар томчи сувнинг қадрига етгин”, “Сувга чикинди ташламагин” деб кўп айтди. Баҳор келиши билан ариқлар тозаланади, даракларга шакл берилиб, танаси оқланади. Кейинги пайтларда бу аъёнлар ёдимиздан кўтарилаётгандек. Айтиш, аҳвол шу зайдга кетаверса, болалар она табиатини севишни қимдан ўрганади?!

Давлатимиз раҳбарининг нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида илгари суратган ташаббуслари замирида ҳам атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жаҳон халқлари билан биргаликда глобал иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва мослашиш жараёнида саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсади муҳимдир. 2025 йилнинг Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили деб эълон қилингани ана шу мақсад йўлидаги муҳим қадамдир.

Жорий йилда олдимизда муҳим вазифалар турибди. Бу борада экологик вазиятни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатини чинакам халқ ҳаракатига айлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг истеъмолдаги улушини ошириш орқали “яшил” технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, она табиий асраб-авайлаш фойдаланиш ҳам бир фуқаронинг нафақат конституциявий, балки келажак авлод олдидаги энг масъулиятли бурчидир.



қўмаклашади, янги иш ўринлари очиб орқали иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади, иқтисодий тараққиётга ёрдам беради. Янги ички маҳсулотнинг ўсишини таъминлайди, мамлакат даромадини ошириб, ишсизлик даражасини пасайтиради. Шу билан бирга, “яшил” иқтисодиётга ўтиш иқлим ўзгариши, минерал ресурслар йўқотилиши ва сув танқислиги каби глобал таҳдидлар хавфини камайтиради.

Иқтисодий ўсишнинг аънаваный моделидан “яшил” иқтисодиётга ўтиш умумжаҳон ҳаракати бўлиб, у нафақат алоҳида миллий иқтисодиётнинг, балки дунё иқтисодиёти барқарорлигини белгилаб беради. “Яшил” иқтисодиётни илгари суриш эса тараққиётнинг асосий йўлидир.

тикландиган энергия манбалари мамлакат энергия таъминотининг муҳим қисmini таъминлаши мумкин.

Углерод нейтраллигига эришиш учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан янада кенг фойдаланиш ва кам углеродли технологияларни жорий этиш, инфратузилмани модернизация қилиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш зарур.

Президентимиз 2023 йилда “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумида сўзлаган нутқида “Марказий Осиёнинг “яшил” кун тартиби” ва “Яшил ипак йўли” концептуал ташаббусларини ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошириш муҳимлигини таъкидлагани. Давлатимиз раҳбари ушбу муҳим вазифани бажариш мақсадида “Яшил” тараққиёт дастури”ни ишлаб чиқиш натижасида иқтисодиёт тармоқларини “яшил”

конференцияси (COP29)даги нутқида мамлакатимизда углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислоҳотлар қатъий олиб борилиши, 2030 йилга ҳавога иссиқхона газини қисқартиришнинг 35 фоиз камайтириш ва бу мажбуриятни 2050 йилга қадар янада кенгайтиришга тайёр эканини яна бир қарра таъкидлади. Бу ўзбекистон мазкур йўналишдаги ишларни изчил амалга ошираётганини аниқлагани.

Яқин келажакда “яшил” энергетика улушини 40 фоизгача ошириш, электромобиль ва “яшил” водород кластерлари, қуёш ва шамол генерация хаблари яратиш, “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида кўламадор ҳудудларни кескин кўпайтириш белгилангани шунга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Мулоҳаза



КЕЛАЖАК КАСБЛАРИ

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ УҚИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ КАФОЛАТЛАЙДИМИ?

Бекзод ХЎЖАЕВ, педагогика фанлари доктори, профессор



Яқин йилларда туғилган болаларнинг аксарияти келажакда эгаллайдиган касбларнинг қандай номланишини ҳам билмаймиз. Бундай соҳаларни атайдиган сўз ҳозирча лўғатимизда йўқ. Қизиқ жараён, тўғрими? Тахлилчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, 2025 йилга келиб, одамлар ва машиналар ўртасидаги меҳнат тақсими 85 миллион иш ўрни йўқотилишига олиб келиши мумкин. Бир қарашда катта йўқотишдек туюлади. Аммо даврнинг мана шу шиддати иш ўринларини қисқартириш билан чекланмайди, афзалликлари ҳам юзага чиқади. Одамлар, машиналар ва алгоритмлар ўртасидаги янги меҳнат тақсимидаги мослашган 97 миллион янги касб эгаси пайдо бўлиши кутилмоқда.

кадрлар тайёрлаш жараёнини иқтисодиётнинг ривожланаётган тармоқ ва соҳаларига манзилли йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилганига ғувоҳ бўламиз. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 24 майдаги “Олий таълим ташкилотларига ўқшга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида олий таълимга қабул қилишда кадрларга эҳтиёжни ҳисобга олиш белгилаб қўйилган. Бу — меҳнат бозори ўрганилади ва мана шу таҳлил туфайли келувчи битирувчилар иш топишга қийналмайди, дегани.

2024/2025 ўқув йили қабулдан бошлаб мазкур йўналишдаги ўзгаришлар старт олди. Давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш амалиёти бекор қилинди. Аниқроқ айтсак, давлат буюртмаси соҳадаги янгиланишларга мос равишда ўзгариб туради. Мисол учун, жорий ўқув йили бўйича квоталар тақсимида муҳандислик, тиббиёт, аниқ ва табиий фанларга устуворлик берилди. Аммо бу мазкур йўналишлар ўн йиллаб ўз устуворлигини сақлаб қолади, дегани эмас. Меҳнат бозори талаблари мунтазам ўрганилган ҳолда ҳар ўқув йилида қайси соҳалар юқори квота олиши белгилаб борилади. Дипломли ишсизлар сони ортишига йўл қўйилмайди. Бир

ҳақиқатни айтиб ўтиш керак: шу вақтгача бизни қийнаб келадиган асосий муаммо кадрлар ва ишга эҳтиёж ўртасида мувозанат бузилиши эди. Олий таълим тизимида фаолият юритиётган инсон сифатида тайёр кадрларнинг меҳнат бозорига ўз ўрнини тополмаслиги, йиллаб ишсиз юриши ёки бошқа йўналишларда меҳнат қилиб, “ўқинишнинг фойдаси йўқ, ана диплом чанг босиб ётибди”, деган хулосага келиши диллимизни оғритар эди. Квоталарга бериладиган устуворлик меҳнат бозори талабларига кўра белгиланиши мана шу оғриқни муаммага ўз бағтида топишга ечим бўлди.

Бу қандай амалга оширилиши ҳам ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатда аниқ белгилаб қўйилган. 2025 йилдан бошлаб давлат буюртмаси параметрлари Иқтисодиёт ва молия ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари маълумоти асосида шакллантирилади. Масъуллар олий таълим тизимида кадрларга талабни прогноз қилиб бориши натижасида давлат буюртмаси ҳар 4 йилда янгиланади. Демак, квотани ошириш ёки камайтириш тахлилчи хулосалар асосида ҳал этилади.

Кечагина биз учун янги саналган касблар бугун иккинчи умрини яшамоқда. Анг-лаганингиздек, касблар бозори ҳам кун сайин турланиб бораверади. Оқилона қарор натижасида 2024 йил якунига қадар меҳнат

бозорига қутилаётган ўзгаришлар илмий тадқиқ қилиниши лозимлиги белгилаб қўйилди. Бу жараёнда аҳамиятини йўқотиб борадиган ҳамда янги пайдо бўладиган касблар (лаво-зиллар) рўйхати, уларга қўйиладиган малака талаблари ва компетенциялар шакллантирилади. Жамланган маълумотлар асосида эса 2025 йил 1 майга қадар “Ўзбекистон янги касблар атласи” электрон платформаси яратилди. Аҳамиятли жиҳати, мазкур атлас ҳар йили янгиланган бўлади.

“Кадрлар тайёрлашда катта давр учун таҳлил олинадими?” деган савол пайдо бўлиши мумкин. Бойси шиддатли замонда бугун муҳим деб билган касбимиз эртага аҳамиятини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас. Жорий йил 6 май кунин Президентимиз ҳузурда ўтказилган тақдиримизда соҳа масъуллари олдида хош профессионал таълимда бўлсин, хош олий таълим тизимида — тайёрланаётган кадрлар бозори бўлиши кераклиги биринчи галдаги вазифа этиб белгиланди.

Бакалавриятда 306 та йўналишда кадрлар тайёрланар эди. Катта рақам ва табиийки, шунча йўналиш зарурми, деган ўринли савол пайдо бўлади. Айрим йўналишларда тахсил олган битирувчиларни келажакда касб билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлиши таҳлил қилиниб, бу йил 306 та таълим йўналиши 183 тага туширилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотларига кўра, меҳнат бозорига эҳтиёж бўлмаган 241 та касб ва мутахассисликлар классификатордан чиқариб ташланиб, меҳнат бозорига янги кириб келган 24 та касб ва мутахассисликлар классификаторига киритилган.

Классификаторга янги киритилган касблар қаторидан сановат IT технологияларига хизмат кўрсатиш, “ақли уй” лойиҳалаш дастурчиси, мультимедиа қурилмалари ва иловаларига хизмат кўрсатиш бўйича мутахассис, қуёш панелларини ўрнатилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича чилангар каби касблар ўрин олган. Демак, кадрлар тайёрлаш борасида мана шу таҳлиллар инобатга олинади.

Бизда ҳозир “сунъий интеллект инсоннинг нонини яримта қилади, иш ўринларини эгаллайди”, деган ҳадик бор. Аммо келажакда технология тараққиёт натижасида пайдо бўладиган янги иш ўринларини сунъий интеллект эмас, сунъий интеллект имкониятларидан унумли фойдалана оладиган инсонлар эгаллайди. Яъни сунъий интеллектнинг ҳам одам бошқаради. Касбларга қўйиладиган малака талабларини таҳлил қилиш, янгиланган бориш шунинг учун ҳам зарур.

Хорижий нашрлардан бирида “2050 йилга бориб таъжриб, маҳорат ва маълумоти ҳеч қимга керак бўлмаган одамларнинг янги тоифаси юзага келади. Бу каби “фойдасиз инсонлар” учун мос келадиган иш топилави қолади” деб эълан эди. Ушбу гаплар оддий маълумотдек туюлиши мумкин, аммо кадрлар тайёрлаш тизимини, соҳада фаолият юритиладиган педагогларни чуқур ўйга толдиради. Фараз қилинг: йиллаб ўқиган, ўрганган соҳанинг бора-бора керакисизга айланса... Албатта, бу битта шахс учун эмас, бутун жамият, давлат учун қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Давлат қанчадан-қанча маблағ, олийгоҳлар катта меҳнат сарф қилиб етиштирган кадрлар меҳнат бозорига ўрнини тополмас, иқтисодий муаммолар кўлими ҳам кенгайди. Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган таълим йўналиши ва мутахассисликларини яқин ва ўрта истиқболда пайдо бўлиши кутилаётган келажак касбларига мос равишда янгиланган бориш бутуннинг энг муҳим талаби. Мана шу талаб қондирилишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани эса кун келиб юқори самара беради.

Ҳазрати Бехбудий ким бўлган?



Бошланиши 1-бетда


Қарор мутолаасидан кейинги ҳаяжон аримай туриб, ҳазрати Бехбудийнинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишмоқни истадим. Бу йўлда Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Наим Каримов нашрга тайёрлаган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг икки жилдан иборат “Танланган асарлар”и, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Бир йиллик қотиллик қиссаси” асари, яна Поён Равшанов, Ҳалим Сайид, Нусрат Раҳмон, айниқса, Наим Каримов китоблари, санъатшунос Нигора Умарованинг мактублари, журналист Ихтиёр Раҳмоннинг Бехбудий авлодлари билан сўзбати билан танишим. Уқиган, кўрган ва хулосаларимни ушбу мақолада мухтасар баён этишга минг бир истихоло билан жазм қилдим. Шояд, бу журъат ҳосиласи Улароқ қозоғга тушган хулосалар орқали замондошларим, ука-сингилларим ҳазрати Бехбудий тўғрисида бирламчи маълумот ва тушунча олса...

Умид учкунлари

Умидлар интиҳога ўлади. Ҳақроств, энг сўнгги дамба ҳам инсон юрагига қувват бериб, энг оғир дақиқаларда ҳам уни руҳлангиривчи нарса — умид.

Самарқандда яшаётган асли туркистонлик Бехбудийга ўғли Маҳмудхўжанинг ҳам умидлари улкан, гўё уларнинг рўёбидан унинг қанби ҳам, бутун коинот ҳам мунаваар эди. У аждодлари билан фахрланар, ахир ҳар кимнинг ҳам бобокалони Хожа Аҳмад Яссавийга бориб тақалмайди-ку.

Томирида улуғлар қони жўш ургангани ҳар он ҳис қилиб турган Маҳмудхўжа дастлаб Самарқанд мадрасасида, кейинроқ Бухорода яхшигина тахсил кўради. Анъанавий тахсил билан бирга ўз устиди кунт ва сабот билан ишлади. Тинимсиз изланиш ва ўрганишлар, юксак фаҳм ва чуқур билим мукофоти ўлароқ у шариатнинг юксак мақомлари — қози, муфтий даражасига қачтарилди.



“Тийётр надири?”

Маҳмудхўжа 1903-1904 йилларда Москва ва Санкт-Петербургда боради, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёхат эмас, хизмат сафари эди. Масалан, Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августидан Русия мусулмонларининг турмуши ва маданияти муаммоларига бағишланган қурултой чакрилади. Бехбудий бу қурултойда туркистонликлар гуруҳини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди.

Унинг назарида маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмасди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва Ватаннинг аҳволидан, кундалик ҳаётдан оғоҳ бўлмоқ керак эди. Бинобарин, миллат учун шундай ойна керак эдики, унда у ўз қабоҳатини ҳам, малохатини ҳам кўра олсин. Мана шу эҳтиёж ва зарурат Бехбудийни театр ва матбуот сари бошлади. “Падаркуш” драмаси шу тариха майдонга келди.


1911 йилда ёзилган “Падаркуш” драмаси 1913 йилдагина босилиб чиқади. Китоб жилдидаги “Бородино жанги ва Русиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг

юбилей санасига бағишланади”, деган ёзув ва унинг Тифлис цензурасининг рухсати билан чоп этилиши шунини кўрсатадики, иш осон кўчмаган. Пьеса босилиб чиққандан кейин ҳам уни саҳнага қўйиш учун яқин бир йил вақт кетди. Муаллиф бу ҳақдаги катларга жавобан киноямуз: “Туркистонда бекор одам йўқки, халқ учун ишласа. Бекор киши йўқки, театр саҳнасига чиқиб масхарабозлик қилса”, деб ёзган эди.

“Падаркуш” — ўзбек драматургиясининг ҳамма яқдил эътироф этган биринчи намунасидир. Мутахассислар уни ҳам жанр, ҳам мазмунига кўра янги ўзбек адабиётини бошлаб берган бир асар сифатида баҳолайди. Муаллиф “Миллий фожиа” атаган, 3 парда 4 манзарали бу драма ҳажман жуда ихчам, мазмунан ниҳоятда содда ва жўн. У жаҳолат ва нодонлик, ўқимаган боланинг бузуқ йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани ҳақида ҳикоя қилади. Орқа-олдини ўйламаган бойнинг Тошмурад исми ўғли бор. Ўғил ўқимаган. Бой атрофдагиларнинг гапига кирмайди, ўғлини ўқитмайди, оқибатда у кўча безориларига қўшилади. Ресторанда машаққат пули етмай, шерикларини тунда уйига бошлаб келади. Бой ўйғониб, уларни сезиб қолади. Лекин бойни ўлдириб, пулини олиб кетадилар.

Хулоса: жаҳолат ва нодонлик отанинг ҳам, боланинг ҳам бошига етади. Агар бутун миллат шу аҳволга тушса-чи?!

“Падаркуш” дастлаб 1914 йилнинг 15 январида Самарқандда саҳнага қўйилди. “Халқ ниҳоят кўп келиб, билет етмагани ва жой йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди” деб ёзди маҳаллий матбуот. Тошкентда 1914 йилнинг 27 февралда Авлонийнинг “Турон” труппаси Колязей (Хулиев) Савдо биржаси биносидан ўз фаолиятини мана шу “Падаркуш” билан бошлагани эди. Спектакль олдидадан машҳур Мунавварқори театрининг



жамият ҳаётидаги роли ва ўрни ҳақида нутқ сўзлайди. Бой ролини Абдулла Авлонийнинг ўзи ижро этади. Маҳаллий матбуот бу кунини “тарихий кун” деб ёзди.

Матбуот сари

1913 йилдан Бехбудий матбуот ишлари билан шуғулланади. Апрель ойидан “Самарқанд” газетасини чиқаради. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 45 та сонидан кейин моддий танқислик туфайли чиқиши тўхтаган. Уша йилнинг 20 августидан у “Ойна” журналин чиқара бошлади. Бу суратли ҳафталик журнал, асосан, ўзбек тилида бўлиб, унда ихчам форсий шёърлар, мақолалар, русча эълонлар ҳам бериб борилади.

Бехбудий шу йиллари нашр ишлари билан қизгин шуғулланди. “Наширети Бехбудий” номи билан ўз хусусий наширети оиди. Фитратнинг “Баёноти сайёҳи ҳинди” асарини 1913 йилда русчага таржима қилдириб, нашр этди. Туркистон харитасини тузиб, босмадан чиқарди. Қутубхонани йўлга қўйди. Уша давр вақти матбуотида “Бехбудий кутубхонаси” ҳақидаги хабарлар чиқа бошлагани эди.

У миллий тил масаласига катта эътибор қаратди. Биргина унинг “Ойна” журналин маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг

ҳақ-ҳуқуқига, тарихига, тил ва адабиёт масалаларига, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масалалари муҳаррирининг ҳаммаша

февралда мухторият шўролар томонидан ваҳшиёна бостирилади.

Туркистон жадидчилик ҳаракати етакчиси Маҳмудхўжа Бехбудий ўша даврда халқ ораси



диққат марказида бўлган. Бехбудий миллатнинг тараққиёти учун бир неча тил билишини шарт ҳисобларди. Масалан, журналининг 1913 йил августдаги биринчи — нишона сонидеяк, “Икки эмас, тўрт тил лозим” номли мақола билан чиққан эди.

Фитратнинг журналда босилган мақолаларидан бири “Ҳиммат ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳақи ҳаёти йўқдур” деб номланган. “Тушундигим замон кўнгулм ёнар, йиғламоқ истарман, кўз ёшларим келмайду” деб бошланар эди мақола. Адиб тараққиёт ва турмушда Оврўпудан ер ва осмон қадар узилиб қолган Туркистоннинг фожиа аҳволидан сўз очган эди.

Оғир кунлар қўланкаси

Мустамакчилар “50 йил илм-маърифатдан четда сақлаб келган”лари (Куропаткин) Туркистонни осонлик билан қўлдан чиқармас эди. Фитна ва ивго тинимсиз давом этарди. Шундайлардан бири 1917 йилнинг баҳорида Бухорода юз берди. Амир февраль ўзгаришларини ҳисобга олиб, рус элчихонасининг маслаҳати билан ислохот эълон қиладиган бўлади. Ва бу фармонни ушбу элчихонанинг бошлиғи жаноб Миллер тайёрлайди. Ҳар хил англашилмовчиликларнинг олдини олиш учун собиқ генерал-губернатор, эндиликда Русия Муваққат ҳукуматининг Туркистон комиссари Куропаткин тошйиринига кўра, Самарқанд ижроия қўмитаси Бухорога бир неча кишилик ҳайат юборди. Улар орасида Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам бор эди.

7 апрель кунин ислохот эълони олдиндан мўлжалланганидек, тантанга, тантана эса фожиага айланади. Амир ва ёшлар, хурофотга берилган диндорлар ва жадидлар ўртасида ўтиб бўлмас чоқ пайдо бўлади. Миллер бунда Бехбудийни айблайди. Фақат Миллер эмас, Тошкентда 9 апрелда бошланган Туркистон иши ва солдат депутатлари советларининг биринчи ўлка съезида айрим рус депутатлари Бухоро фожиясининг сабабини Самарқанддан “ўз ихтиёри билан” бorgan депутатларга тўнкайди. Миллатни ич-ничдан қайраш ва низо чиқариш иччил давом этади. Бехбудий ушбу съездида минбарга чиқиб, бор воқеани тушунтириб берган ва бу ҳақда “Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат” (“Хуррият” газетаси, 1917 йил 1 май) деган махсус мақола ёзди.


Бу оғир кунлардан дарак бериб, у маърифатпарвар, миллатпарвар юрт фарзандлари бошига қўланка ташлай бошлагани эди.

Асл қиёфанинг зоҳир бўлиши

1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка мусулмонларининг 4-фавқулодда қурултойи иш бошлади. 27 ноябрга ўтар кечаси Туркистон мухторияти эълон қилинади. Бехбудий раҳбарлик қилган сектор эса тарқатиб юборилди.

сида жуда катта обрў-эътибор қозонган эди. Бунинг янги ҳукумат мутасаддилари ҳам яхши биларди. Шунинг учун Бехбудийга янги турзилган миллий масалалар бўйича комиссиялар органларида иш таклиф қилинади.

Комиссариат таркибиде турли миллатлар масалалари билан шуғулланувчи 8 та алоҳида бўлим фаолият юритган. 1918 йил 24 июн-



дан Бехбудий ушбу комиссариатнинг туркий миллат масалалари бўлиминин бошқаради. Аёнки, ушбу санадан эътиборан, Бехбудий совет ҳукумати таркибиде юқори мартабали мулозим сифатида фаолият бошлагани.

Бехбудийга 700 рубль миқдориде моюна белгиланади. Бу ўша давр вазири ўринбосарининг маоши билан бир хил бўлган. Комиссар ўринбосари сифатида маънавий ва маърифий масалаларга масъул бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий ташаббуси билан шу даврда “Иштирокион” (“Коммунист”) газетаси чоп этилади. Нашрининг бош муҳаррири этиб 1906 йил Россиядан Туркистонга келган ва Фарғона водийсидеги жадид мактабларида муаллимлик қилиб келатган Ориф Кливлев тайинланади.

1918 йилга келиб, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг сиёсий фаоллиги анча ошиб боради. Қисқа давр ичиде закий Бехбудий советлар, коммунистлар сиёсати мафқурасининг нотўғри йўналишида эканини англаб етади. Ҳатто уни маҳаллий халқлар учун зарарли, деган хулосага келади ҳам. Натжидада 1918 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида мазкур тизим таркибидан чиқишга қарор қилади. Бехбудий раҳбарлик қилган сектор эса тарқатиб юборилди.

Умидлари пучга чиққан Бехбудий 1918 йил февралда Туркистон мухториятининг тор-мор қилиш учун большевиклар Қўқоннинг эски шаҳар қисмига аширинган мухториятчиларни тўпга тутгани ва бунинг оқибатида ўн минглаб тинч аҳоли нобуд бўлганига гувоҳ бўлган эди. 1919 йил январиде большевикларга қарши исён кўтарган Осипов енгилга, аскарлари билан Тошкентдан Самарқандга қочиб келиб, эски шаҳар қисмига аширингани ва уларни маҳв этиш учун шаҳар тўпга тутилишини эшитган Бехбудийнинг кўз ўнгида ўша эски ва аччиқ хотиралар қайтадан гавдаланади.

Буларнинг барчаси тўпланиб, миллатпарвар зотда большевикларнинг асл қиёфасини афкор оммага фош этиш истганини қатъийлаштиради. Ана шу мақсадда у Парижда иш бошлаган давлатлараро сулҳ конференцияси минбаридан фойдаланиш учун икки маслақдоши ва шоғирди билан сафарга отланади.

Миллат учун оғир жудодик

Бехбудий икки нафар ҳамроҳи билан Бухоро амирлиги ҳудудидан ўтмоқчи бўлади. Лекин унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турган шўро ҳокимиятининг махсус хизмати уларни амирликнинг чегарасида қўлга олади ва Шахрисабздаги қамоққа ташлайди.

У ерда икки ой сақланганидан сўнг ҳамроҳлари билан бирга Қарши шаҳридаги қамоқхонага олиб келинади. Бу ерда Қарши ҳокимининг кўрсатмаси билан Бехбудий ва унинг ҳамроҳларига ўзларига қабу қовлатиб, жазо даҳшатли тарзда амалга оширилади. Барчасининг бошлари танасидан жудо этилади. Ўлимларидан аввал ибодат учун ижозат сўраган маҳкумларни намозларини ўқиб тутгамасиданок қати этилади...

Унинг қатли ҳақидаги хабар ўша пайтдаги пойтахт Самарқандга роса бир йилдан кейин маълум бўлади. 1920 йилнинг апрелда бутун Туркистон мотам тутади. Кўплаб марсиялар ёзилади. “Бехбудийнинг сағанасини изладим” деб аталар эди Абдурауф Фитратнинг бир шеъри. Садриддин Айнийда бир эмас, уч шёр бор:

Сани мундин буён Турон кўроларму, кўролмасму?
Санинг мислингни Туркистон тополарму, тополмасму?

1920 йилда Қарши шаҳрининг номи Бехбудий деб ўзгартирилди. Сталин қатогонари бошлангач, яна 1936 йилда унинг номи олиб ташланиб, янги Қарши номи қайтарилди.

Жадидчилик ҳаракатининг сарвари

Бехбудийнинг қатли билан Турон заминиде жадидчилик ҳаракатига барҳам берилгандек эди гўё. Аммо ҳазрати Бехбудий бошлаб берган бу улғу йўлда азиз жонларини гаровга қўйиб, минглаб жадидлар сафни тўлдирарверди. Улар Бехбудий ғояларига ҳайрихоҳ ва содиқ қолиб, Туркистон халқининг, аввало, онту шуурини, сўнгра вужудини озод этмоқни лозим топдилар. Бу йўлда маориф ва матбуотга зўр бердилар.

Жадидчилик ҳаракатининг сарвари бошлаб берган орзулар орадан 72 йил ўтиб, ўз рўёбини топди. Бу ўлка интиқиб қутилган истиқлолга эришди.

Ҳар йили 1 сентябрь — Мустақиллик кунин арафасида юракларидеда катта ифтихор ва чўнг қайғу билан Бехбудийдек ота-боболаримизни хотирлаймиз. 31 август — Қатагон қурбонлари хотирасини ёд этиш кунин қарор топган асрий ҳақиқат ва қайта тикланган тарихий адолат қаршисиде ахтиром кўрсатамиз. Буюк жадидларимизнинг қони эвазига ёнган эзгулик, озодлик нуруни сўндирмаслик, янада ёрут алангалаш учун жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилишга онг ичамиз.

Отабек ИСРОИЛОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етакзиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовабгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридеги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 37.
38993 нусхадда босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй